

Сабоҳат УМАРОВА

**МАЛҲАМ**

«Фарғона» нашриёти – 2005.

84(59)6-5

**« . . . келар сен кутган кунлар»**


«Юракка армонлар ботиб бормоқда», деб бошлайди дафъатан бир шеърини ёш шоира Сабоҳат Умарова. Бу дафъатанлик беихтиёр ўқувчи кўнглига ҳам кўчади... Кўчсин. Илоҳим, малҳам бўлиб, дармон бўлиб кўчсин!

Сабоҳат адабиётнинг сирли ва долғали оламига энди кириб келмоқда. Мен бир қадар ишонч билан, бир қадар хавотир билан унга оқ йўл тилайман. Ишонч боиси, у ҳали ёш, юраги ишққа тўла. Шеър эса, ишқ мевасидир. Хавотир боиси, йўл дегани турфа хатар, қутилмаган тасодифлар майдонидир. Ижод йўли ҳам, бундан мустасно эмас.

Нима бўлганда ҳам, ёш шоирамизни «Таширфинг юракка малҳамлар бўлсин», деган олқиш ила қарши олайлик!

Яҳё Тоға,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



## КАМАЛАК РАНГЛАР

Камалак ранглар ҳам мавжланмас энди,  
Қуёш ҳам гўёки қиздирмас мени.  
Осмону фалакка қарай олмайман,  
Сенга севишимни айта олмайман.

Булбул хонишлари қулоққа кирмас,  
Боғларда гуллар ҳам очилмай қўйган.  
Атиргулни севиб ҳидлаё олмайман,  
Сенга севишимни айта олмайман.

Сувдай, анҳорингда оқа олмайман,  
Қуёшдай, бағрингга бота олмайман.  
Сенинг кўзингга тик қарай олмайман,  
Сенга севишимни айта олмайман.

Сени кўрсам, дилга тилайман тўзим  
Алвон лола каби қизарар юзим.  
Лабим жуфтлайману ботинолмайман,  
Сенга севишимни айта олмайман.

## МУҲАББАТ БОРМИ...

Муҳаббат борми деб сўрсалар мендан  
Жавобин беролмай ўртанар дилим.  
Садоқат – вафодан сўрсалар ногоҳ,  
Ростин сўйлай олмай қийналар тилим.

Болалик чоғимда, беғубор дамда,  
Оқни оқ деёлдим, қорани қора.  
Мени биров таъқиб қилмади, балки  
Қўл силтаб куддилар, дедилар бола.

Улғайиб вояга етганим сайин,  
Мен дунёни таниб бордим тобора.  
Мурғакликдагидек сўзлай олмайман,  
Оқ рангни оқ дея, аксини қора.

Бақаламун бўлса баъзи инсонлар,  
Кўрмагандек бўламан, оддийгина, жўн.  
Уларни қалб кўзим таниб турса ҳам,  
Кўзларим нафратдан кийиб олар "тўн".

Гар телада бўлсанг қуллуқ қиларлар,  
Таъзим ҳам қиларлар етти букилиб .  
Пастга тушиб қолсанг, ногоҳ қоқилиб,  
Маломат қиларлар тутдай тўкилиб.

Мана нечун лоддир менинг бу тилим,  
Муҳаббат борми деб, сўрсалар мендан.  
Айтинг, қандай қилиб ўртанмас юрак.  
Садоқат, вафодан сўрсалар мендан.

Аслида жафодан сўрсалар мендан.

## АЁЛ ЙИҒЛАЁТИР

Аёл йиғлаётир унсиз ва сассиз...  
Рўзгор ташвишлари ёлғиз бошида.  
Шўртак кўз ёшлари юзидан силқиб,  
Титроқ лабларида сузади изсиз..

Аёл йиғлаётир унсиз ва сассиз...  
Биргина бошида шунча маломат...  
Оллоҳга фарёди етмаётирму,  
Ёки тақдир уни синарму чексиз?

Йўқ, у тақдирдан нолимади ҳеч,  
Оллоҳ етказар дер, демас: эрта, кеч,  
Бахтлиман демади, мамнун гердайиб,  
Бахтсизман демади, нолимади ҳеч.

Аёл йиғлаётир унсиз ва сассиз...  
Оҳлари дунёни бузишга тайёр!  
Эркаги ётади майиб ва мажруҳ,  
Додин эшитишга кимса йўқ, эссиз...

Аёл йиғлаётир унсиз ва сассиз...  
Торгина хонанинг бир бурчагида...  
Дардин эшитишга йўқдир бирор зот,  
Гўё у дунёда ёлғиз кимсасиз.

## МУШТОҚЛИК

Юрак менга азоб берсада,  
Мен юракка қувонч бергум бор.  
Висол мендан юзин бурсада,  
Мен висолга муштоқман зор — зор.

Ситамларга тўла дунёмда  
Ҳижрон мени эзгилади, хўб,  
Синовларин бас қил эй ҳаёт,  
Ҳали менинг бардошларим кўп.

## ДАРДИМ МЕНИНГ...

Мени овутмоққа урина кўрма,  
Юрак оташини сўрама, сўрма.  
Қалбимнинг тубига пар болиш бўлма  
Дардимни кимсага айтмоғим душвор.

Дайди еллар мени аврамоқ бўлар,  
Дардларим исидан нав — ниҳол сўлар,  
Юрак хасратимдан орзулар ўлар,  
Дардимни кимсага айтмоғим душвор.

Малаклар кузатса менинг сабримни  
Тавба билан ювай ҳар бир гардимни.  
Раббим ҳузурингда очай дардимни  
Сендан ўзгасига айтмоғим душвор.

## МАСТОНА БЎЛСАМ

Хумор кўзларингга мастона бўлсам,  
Термулсам уларга, сен олиб қочма.  
Ишқингга куйиб мен адолар бўлсам,  
Юрак қулфларинг ўзгача очма!

Сени севишимни ўзинг биласан,  
Изларинг беркитма ортингдан юрсам.  
Муҳаббат мен учун сенсан, биласан,  
Ўзгани кўзлама, интизор кутсам.

Ишқимни топтасанг, кутмагил шафқат,  
Юрагим кечирмас хиёнатни ҳеч.  
Севгимдан кечмайман, билгилки, ҳеч вақт,  
Менмас, сен ўзгага қарашлардан кеч!

## ДУНЁГА КЕЛДИМУ

Дунёга келдим дунё кўрмадим,  
Юрак оғриғига даво кўрмадим.  
Қанча карвон ўтди, аммо бошида,  
Бир етакчи, ва ё, сарбон кўрмадим.

Ким мендан куддию кимлар йиғлади,  
Мени ким юпатти, кимлар тиглади.  
Минг – минг дард, қувончлар сиққан дунёга,  
Мен ўзим сиғдим қалбим сиғмади.

## МАКТУБ

Жоним, сен битибсан, ушбу кун мактуб,  
Дилдаги бор туйғунг изҳор этибсан.  
Қанчалар йироқда бўлса — да жисминг,  
Қалбан яқинлигинг кўзда тутибсан.

Хатингни ўқидим, гарчи кўзда ёш,  
Кўнгилдан вулқондек отилди севинч.  
Олисда бўлсангда, жоним мен сени,  
Севгим деб атадим, шундан кўнгил тинч.

Хатингни ўқийман, қўлда суратинг,  
Ҳар битта сатрни сенла ўқийман.  
Кўзингга термулиб, масрур, ишончла,  
Бир кун албат бирга бўламиз, дейман.

## ҚАЙТМА

Сен менга қайтмагил узрлар сўраб,  
Қалбимда жароҳат битмаган ҳали.  
Дилга озорларинг қўйганман ўраб,  
Армонлар мени тарк этмаган ҳали.

Мени ташлаб ўзга бахтни қидирдинг,  
Яралаб юракни, сен поймол этдинг.  
Ўйлаб ҳам ўтирмай, қалбим синдирдинг,  
Ортга қайтиб, узрлар сўраб ҳам нетдинг?

Сенсиз яшамоқдан қўрқмайман энди,  
Юрак ҳижронлардан чўчимай қўйган.  
Висолни интизор кутмайман энди,  
Чунки азобларинг юрагим ўйган.



## СЕНГА ҰХШАБ

Билмайман: бу қисмат ёки кўргулик,  
Тушунолмай ҳамон бағрим ўяман.  
Таскин бериб яна юракка гўё  
Барисин ўзимча тушга йўяман. .

Булбулин йўқотган гулга ўхшайман,  
Ва ёки боғбонсиз бир кўҳна боққа.  
Умидлари сўнган кунга ўхшайман,  
Маъюслигим энди жойлай қаёққа?...

Ўзинг айт жонгинам бу ғариб боғнинг,  
Остонасин хатлаб ким ҳам ўтарди?  
Илк баҳор қўлида атир гуллар — ла,  
Мени сенга ўхшаб ким ҳам кутарди?...

## МУЖГОНЛАР

Мужгонлар ўқини дилимга отса,  
Бўсаларин ўти лабимга ботса.  
Ишвалари менга аталса ҳайҳот,  
Мен сени тан олгум, жоним муҳаббат.

Ҳақиқат дунёда қолмаса буткул,  
Диёнат инсон — чун бўлганда бир пул.  
Бешафқат бўлса — да, ҳаттоки ҳаёт,  
Мени сени тан олгум, ёрим муҳаббат.

Саҳрои — Кабирда қолганда сувсиз,  
Ташналик бўғзимни тилса аёвсиз.  
Фурқатлик сийнамни тирнаса бот — бот,  
Мени сени тан олгум, онам муҳаббат.

Шоир қаламида битса – да сиёҳ,  
Мағриб боғларида унмаса гиёҳ.  
Ҳатто эътиқодсиз қолсам умрбод,  
Мен сени тан олгум, ғазал муҳаббат.

## БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ...

Ҳижронлардан куйган бу ошиқ кўнглим  
Ўзгани сира ҳам севолмас, ишон.  
Бир бора чин севдим ва лекин абад,  
Айрилиқ аталмиш тун келди ишон.

Бойлигу кўркамлик ва на мансабга  
Қул бўлиб севмадим, азизим, зинҳор.  
Барига кўз юмиб, танҳо ва якто  
Сени танлагандим, ўша гулбаҳор.

Сени севиб, жоним, жуда шод эдим,  
Шод эдим баҳорла мангу қолишдан.  
Кечгандим ёзу куз ва яна қишдан,  
Чунки мен қўрқардим айро тушишдан.

Афсус баҳор кетди истамасам ҳам,  
Кетидан ёзу куз, келди сўнгсиз қиш.  
Баҳорга эргашиб кетдинг, жоним, сен,  
Тилкалаб бағримни, дилни қилиб ғаш.

...Йўқ, азизим, мени айбламагил ҳеч,  
Бир аёзда битди унинг сабри деб.  
Сенсиз яшамоқ, бил, азобнинг ўзи,  
Сенсиз яшайпман ич – этимни еб.

## БОЛАЛИК

Болалигим ўтган гўзал диёрим,  
Сени қўмсаб доим ўртанар дилим.  
Яланг оёқ чопган чанг кўчаларинг,  
Тупроқ ҳидларини қўмсайди дилим.

Бугун болаликнинг шўх дамларини,  
Юрак қўмсаб қўяр, дил қўмсаб қўяр.  
Ул кунларга қайтгим келса – да бироқ,  
Қўл чўзсам етмайди, армонлар тўяр.

Сенинг боғларинг бир жаннатдек эди,  
Кенг далаларинг ҳам чамандек эди.  
Тиним билмай қиргоғида чопганим,  
Кичик аригинг ҳам уммондек эди.

Бугун болаликнинг шўх дамларини,  
Юрак қўмсаб қўяр, дил қўмсаб қўяр.  
Ул кунларга қайтгим келса – да бироқ,  
Ултурдим бошимга савдолар ўраб.

## ИЛК БОР

Сени илк бор учратганимда  
Кўзларингга кулиб боққандим.  
Қарашларим, нозларим билан  
Юрагингга олов ёққандим.

Разм солсанг ишвали қизман,  
Овозлари ширали қизман.  
Ўзингча сен бепарво бўлдинг,  
Ишваларга беписанд бўлдинг.

Лекин зимдан мени кузатдинг,  
Қалбимда ишқ ўтини ёқдинг,  
Сени севган девона қизман,  
Боқишлари мастона қизман.

Манман деган қизнинг ҳам ҳатто,  
Тузоғига тушмайман дединг.  
Кулиб боқиб оввора бўлма,  
Севги менга бегона дединг.

Ёнгинамда бегона йигит,  
Кўрсанг нега ғазабланасан?  
Демак, менга муҳаббатинг бор,  
Рашкинг келиб азобланасан.

Бепарвога бепарво қизман  
Боқишлари кўп бало қизман.

## ЎЗБЕК

Алп тоғлари бутун қорлидир,  
Осмон каби оппоқ қорлари.  
Ўзбек марди асли орлидир,  
Қордай эриб битмас орлари.

Қизларидир ибо – ҳаёли,  
Йигитлари мард – жасур эрур.  
Шакаргуфтор ҳар бир аёли,  
Унга доим таъзимда турур.

Бундай элга шеър битмоқ мушкул,  
Қаламимнинг етмас сиёҳи.  
Мудом бахтли тинч бўлсин бу эл,  
Осмонлари бўлсин зиёли.

## ИЗТИРОБ

**Дадам Раҳимберди хотирасига**

У кун куз боғлари ўзгача эди...  
Хазонрез бўлганди, дов – дарахт бари.  
Сизни у ёқларга чорлаганди ким,  
Азроил ўзими, ё жаннатий пари?

Ким бўлса – да Сизни опкетар чоғи,  
Дунёдан бездириб, алаҳситдиму?  
Ёки жаннатидан жой ваъда этиб,  
Иложсиз кўчада гарангситдиму?

Барча орзуингиз бўғилди ногоҳ,  
Армон кўрпасини ёпиб кетдингиз.  
Фарзандлар дунёга келтириб, бироқ,  
Ҳеч бирин роҳатин кўрмай ўтдингиз.

Сизни кузатишга йиғилди барча,  
Дўст – душман, ҳаттоки тиланчи гадо.  
Мен – чи айтилмаган сўнгги видо деб,  
Армонга қул бўлдим ва бўлдим адо.

### СЕНГА ЕТМОҚ

Киприкларинг найзалари қасд,  
Йўлларингга жоним пояндоз.  
Билсанг моҳлар тунда юзингдан,  
Ҳасад билан олади андоз.

Ишқ боғида танҳо топганим,  
Боқишлари мулойим, содда.  
Мен – ку фақат сенга талпинсам,  
Сен ҳам юрак очгин, Ирода.

Камон қошинг шайлама, жоним,  
Ахир ўзим кўнгилли асир.  
Танҳо сени танлаганим рост,  
Сенга етмоқ энг ширин қасддир.

## СЕВГИМ МЕНИНГ

Севгим менинг, бутун лолазор,  
Алвон каби очилиб бўлган.  
Ошиқ бўлган булбулларим кўп,  
Лекин, юрак исмингла тўлган.

Дил сўқмоғин четлаб ўтмагил,  
Гулзоримга чорлайман сени.  
Гар ифорим бўлмаса – да, бил,  
Лолаларда аксим бор менинг.

## ДУНЁГА КЕЛДИНГМИ

Дунёга келдингми, ўйла, фикр қил,  
Гуноҳ не, савоб не ўрган, зикр қил.  
Оламнинг эгаси ёлғиз Аллоҳдир,  
Не кун насиб этса, шунга шукр қил.

Гар ёзмоқ истасанг, сўзинг теран бил,  
Инсоф – имонингни сен мустаҳкам қил.  
Мўминларнинг борар ери жаннатдир,  
Имонсизнинг жойи жаҳаннамдир бил.

Она рози эрса, Оллоҳ ҳам рози,  
Баъзи юмушингга отангдир қози.  
Фақат беш кунингни ўйлама нодон,  
Қилмишларинг чун бор тошу тарози.

## АЗИЗИМ

Азизим, кел қўлларимдан тут...  
Юрагимни сенга очайин.  
Ғуссаларинг бўлса гар, унут,  
Ишқим йўлларингга сочайин.

Кетдик, дея чорлагин мени,  
Юрагингнинг гул боғларига.  
Ошиқ булбул атайин сени,  
Бўса бериб дудоқларингга.

Топишибди Лайли – Мажнун деб.  
Майли кулсин ғанимлар биздан.  
Ишонсам мен муҳаббатингга  
Адашмагил, чиқмагил издан.

Юрагимни тутгум қўлингга,  
Уни ўзинг билганча бошқар.  
Фақат боқиб ўнгу сўлингга,  
Топталама, синдирма уни!

Азизим... кел, қўлларимдан тут...



## ОДАМЛАР БОР

Одамлар бор қадаминг пойлаб  
Тузоқ қўймоқ бўлар йўлингга.  
Ёғдирса — да устингдан бўҳтон,  
Жилмайиб, гул тутар қўлингга.

Улар одам шаклида иблис,  
Оздиради тўғри йўлингдан.  
Жавдираган кўзингга боқиб,  
Жарлик томон тортар қўлингдан.

## БАХТИМ ДЕБ

Мен сизни севаман, севгисин ошкор  
Этолмай юракка яшириб қўйган.  
Менман ҳар кўрганда, шабнамдек беҳол,  
Кўзларин намлаган ва бағрин ўйган.

Мен сизни кутаман ҳар тонг, ҳар саҳар,  
Қўлимда гул тутиб, йўлда зор, бўзлаб.  
Афсус, мен қўрқаман, этманг деб инкор,  
Мени сизни бахтим деб юрибман кўзлаб.

## БАХТ ЮЛДУЗИ

Бугун бахт юлдузинг ерга тушибди,  
Янгалар ёр – ёри сени кузатсин.  
Бахт қушинг бошингдан янди учибди,  
Палаҳмон тошидек отилган синглим.

Қиз бола демишлар, бировнинг хасми,  
Бўй етгач, ўз уйи бўлар бегона.  
Момолар урфлари сенга ҳам хосми,  
Палаҳмон тошидек отилган синглим.

Никоҳ тўйинг сенга муборак бўлсин,  
Танлаганинг бағри беланчак бўлсин.  
Қадам қўйган остонанг, нурларга тўлсин,  
Палаҳмон тошидек отилган синглим.

У уйда мезбонлар севиб қолсинлар,  
Ёринг ҳам, чин бахтни туйиб қолсинлар.  
Барча душманларинг куйиб қолсинлар.  
Палаҳмон тошидек отилган синглим.

\* \* \*  
Заъда юракларни титратти ногоҳ,  
Гунча лаблар ҳатто айланди гунгга.  
Бесар кўзлар, ажаб излади паноҳ,  
Ногоҳ лабларимдан олгандинг бўса.

Сенга кўникишни, этмасдим хаёл,  
Талпиниб, тортмасдан сен томон юрак.  
Дунё кўзларимга ўзгарди, хиёл,  
Ногоҳ лабларимдан олгандинг бўса.

Ўзни тутмоқ учун, етмайди бардош,  
Гўё дилларимиз боғланди шаксиз.  
Энди нурин сочар, биз учун қуёш,  
Ногоҳ лабларимдан олгандинг бўса.

\* \* \*  
Муҳаббат мени тарк этдию буткул,  
Дилимни кемирар аччиқ армонлар.  
Кўздан оқар зардоб, бўғзимда тутун,  
Афсус жоним, сендан кеча олмайман.

Сени учратган он, гарчи эди қиш,  
Вужуд ҳис этмасди, ҳатто аёзни.  
Энди – чи, у кунлар менга гўё туш,  
Афсус жоним, сендан кеча олмайман.

Сен – ла кечган онлар асрга татир,  
Сен – ла орзуларим ойдаини балқди.  
Бугун ишқ қайиғи кимсасиз қалқди,  
Афсус жоним, сендан кеча олмайман.

Бугун севги ўлди, муҳаббат ўлди,  
Энди юрак ёлғиз ҳижрон – ла тўлди.  
Бу кун сен билган гул, бугунлай сўлди,  
Афсус жоним, сендан кеча олмайман.

### ҲАЁТИМНИ БЕРДИМ ҚЎШИҚҚА

Куйларимда яшар, мангу муҳаббат,  
Ҳаётимни абад, бердим қўшиққа.  
Не – не машаққатлар чексам – да, ё раб,  
Санъат учун жоним жўшқин, ошуфта.

Санъат чўққисини кўриб узоқдан,  
Талпиндим, қўл етмас, олис бўлса – да.  
Тиззалар тилиниб, кафт шилинса – да,  
Қайтмадим, гар йўллар холис бўлса – да.

Бугун самоларда ёрқин юлдузман,  
Онам ойдир маним, отамдир қуёш.  
Жабру ситамларни қолдириб ортда,  
Машҳур қилган мени бу буюк бардеш.

Юзингдан силқиган бу аччиқ кўз ёш,  
Фақат қувончлардан даракчи бўлсин.  
Фалакда порлаб, нур сочувчи қуёш,  
Доим қалб қўрингдан нурларга тўлсин.

Она, юзинг сира бўлмасин маъюс,  
Қаддинг дол бўлмасин, гаму ғуссадан.  
Аччиқ кўз ёшларга тўлмасин бу кўз,  
Дармон кетмасин, бу нозик жуссадан.

Хилват хоналарда йиғлама пинҳон,  
Бир кун келар албат, сен кутган кунлар.  
Афсус – ла аламли йиғлама зинҳор,  
Бу кунларинг сенга тўлайди хунлар.

Ҳар бир фарзандингнинг бахти кулади.  
Тўйдан бошинг чиқмас, кўзингда қувонч,  
Гўдак йиғисига уйинг тўлади,  
Мунисим қалбингда сўнмасин ишонч.

## ТЎРТЛИКЛАР

Зеро бир хил бўлар ҳар йил фасллар,  
Бир хил нур сочади, қуёш ҳам доим.  
Мен – чун ўзгачадир, бу кун фасллар,  
Сенму сабабчи, ё қуёшим, ойим?

\* \* \*  
Сени кўрган кундан, юракдир уммон,  
Сувлари сизмайди, шошар қирғоққа.  
Сенсиз яшаш менга бўлгандай гумон,  
Тўлиб – тошиб шошар, сени кўрмоққа.

\* \* \*  
Сени севиб балқдим, мағрурлар бўлдим,  
Бош кўкларга етди, масрурлар бўлдим.  
Сени йўқотганга ишонмас кўзим.  
Ишқ ҳужум қилганда, мағлублар бўлдим,

\* \* \*  
Сени севишимни ўзинг хоҳладинг,  
Майлига менинг ҳам севганим бўлсин.  
Севсам мен юрак – ла, қалбла севаман,  
Бу оташ тафтидан юрагинг тўлсин.

\* \* \*  
Тоғдан юксак экан ёр виқорингиз,  
Наҳот севдим десам, келар орингиз.  
Қанча меңдан ўзни олиб қочманг Сиз,  
Билинг, бир кун келиб бўлгум ёрингиз.

\* \* \*  
Юракка армонлар ботиб бормоқда,  
Кўзларнинг селлари ортиб бормоқда.  
Дунё ташвишини кўтарган гардан,  
Вафосиз ҳажридан чўкиб бормоқда.

## МУНДАРИЖА

Камалак ранглар.....	3
Муҳаббат борми.....	4
Аёл йиғлаётир.....	5
Муштоқлик.....	6
Дардим менинг.....	6
Мастона бўлсам.....	7
Дунёга келдим.....	7
Мактуб.....	8
Қайтма.....	8
Сенга ўхшаб.....	9
Мужгонлар.....	9
Биринчи муҳаббатим.....	10
Болалик.....	11
Илк бор.....	12
Ўзбек.....	13
Изтироб.....	13
Сенга етмоқ.....	14
Севгим менинг.....	15
Дунёга келдингми.....	15
Азизим.....	16
Одамлар бор.....	17
Бахтим деб.....	17
Бахт юдузи.....	18
«Ногоҳ лабларимдан олгандинг бўса».....	19
«Афсус жоним, сендан кеча олмайман».....	19
Ҳаётимни бердим қўшиққа.....	20
«Юзингдан силқиган бу аччиқ кўз ёш».....	21
Тўртликлар.....	21

*Муаллиф ушбу китобни чоп эттиришга ҳомийлик қилганларга ўз миннатдорчилигини билдиради.*

Сабоҳат УМАРОВА

МАЛҲАМ  
(Шеърлар)

Муҳаррир: Зиёвиддин Мансуров  
Техмуҳаррир: Н. Жабборов  
Мусаҳҳиҳ: Д. Эргашева

02.05.2005 йилда теришга берилди. Босишга 03.05.2005  
йилда руҳсат этилди. Бичими 60x84 1/32. Ҳажми 1,5 босма  
табоқ. 624-буюртма. Адади 1000 нусха.

«Фаргона» нашриёти.

712014. Фаргона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

---

«Чуст босмахонаси» МЧЖ (717200 Чуст шаҳри, Сўфизода  
кўчаси, 8-уй) да чоп этилди.